

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК МАДИЯРОВИЧ

**ҚОВУН ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ, ЭКСПОРТБОП НАВЛАРНИ
АЖРАТИШ ҲАМДА ЕТИШТИРИШНИНГ АЙРИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ШАРОИТИДА)**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Садуллаев Санжарбек Мадиярович

Қовун генофондини сақлаш, экспортбоп навларини ажратиш ҳамда
етиштиришнинг айрим технологияси элементларини
такомиллаштириш (Хоразм вилояти шароитида)..... 5

Садуллаев Санжарбек Мадиярович

Усовершенствование отдельных элементов технологии
выращивания, выделение экспортоспособных сортов и сохранение
генофонда дыни (В условиях Хорезмского вилоята)..... 19

Sadullaev Sanjarbek Madiyarovich

Safekeeping of the gene pool, allocation of export grades of melon and
improvement of some technological elements of cultivation (in the
conditions of the Khorezm region)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САДУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК МАДИЯРОВИЧ

**ҚОВУН ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ, ЭКСПОРТБОП НАВЛАРНИ
АЖРАТИШ ҲАМДА ЕТИШТИРИШНИНГ АЙРИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ШАРОИТИДА)**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Низомов Рустам Ахролович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Остонакулов Тоштемир Эшимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Рустамов Абдумалик Саттарович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, ката илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____, соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: pimm@agro.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. «Дунё бўйича бугунги кунда аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб бормоқда. Айниқса бугунги глобал пандемия шароитида витамин ва минералларга бой, тўйимли, экологик тоза маҳсулотларга талаб ортмоқда. Бу борада полиз маҳсулотларининг ўрни бекиёс бўлиб, тиббий меъёрга кўра ҳар бир инсоннинг йиллик полиз истеъмол меъёри 98 кг дан кам бўлмаслиги керак. Полиз маҳсулотлари орасида қовун етакчилик қилади ва шу боис дунёнинг кўплаб мамлакатларида қовун катта (774,8 минг га) майдонларда етиштирилади»¹. Ушбу мамлакатларда қовуннинг ультра тез пишар, шунингдек турли муддатларда экиб етиштиришга яроқли, узок сақланувчан, меваларининг ҳажми кичик, аммо серҳосил ва углеводларга бой навларини яратиш, етиштириш технологияларини янада такомиллаштириш асосида майдон бирлигидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда қовун етиштириш бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларда қовунни турли муддатларда, айниқса эртаги ва ҳимояланган жойларда етиштиришга мос навларини яратиш, етиштириш технологияларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир қатор мамлакатларда қовунни қишки мавсумда иссиқхоналарда етиштириш технологияси ва иссиқхоналарда етиштиришга мос навлари яратилган, ультра тезпишар ва экспортбоп қовун навлари етиштирилмоқда. Қовун генофондини янада бойитиш, унинг экспортбоп навлар ассортиментини кенгайтириш асосида қовун экспорти салоҳиятини янада ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда сўнгги йилларда полизчилик тармоғини янада ривожлантириш, хусусан экспортбоп қовун етиштириш ҳажмини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29-30 ноябр 2018 йил кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида «Хоразм вилоятида қовун етиштирувчи хўжаликларни ташкил этиш, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, инновацион технологиялар асосида қовунни очик майдонларда ва иссиқхоналарда етиштириш, уни қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш»² алоҳида белгилаб қўйилди. Шунга кўра, вилоят тупроқ иқлими шароитида қовун навларининг бой коллекциясини ўрганиш, унинг генофондини янада бойитиш, истиқболли ва экспортбоп навларни ажратиш ҳамда нав агротехнологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 март 2018 йилдаги ПФ-5388–сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/страны-по-производству-дыни>

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги “Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 114-сонли қарори

ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 23 октябрь 2019 йилдаги ПҚ-5853–сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 23 ноябрь 2021 йилдаги ПҚ-20–сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 12 февраль 2019 йилдаги 114-сон «Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қовуннинг маҳаллий нав намуналарини ўрганиш, генофондини сақлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича хорижда R.R.Narwood, J.G.Jagger, K.Takada, M.Seguiria, А.И.Филов, МДХ давлатларида А.С.Щукина, К.Е.Дютин, М.А.Есимбекова, В.С.Кобензо, З.А.Корейша, мамлакатимизда Н.Н.Балашев, В.Н.Ермохин, Р.Ф.Мавлянова, И.А.Абдолниязов, С.Гулимов, А.В.Бессонова, В.И.Песцов, А.С.Ҳақимов, Х.Ч.Буриев, С.Қ.Қўчқоров, Р.Т.Маҳмаджонов, Т.Э.Остонақулов, В.И.Зуев, Р.А.Ҳақимов, О.А.Ашурметов каби олимлар изланишлар олиб борган.

Муаллифлар томонидан қовун навлари коллекциясини ўрганиш, агротехника элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Тажрибаларда ҳар хил тупроқ-иқлим шароитлари учун қовун навлари, экиш муддатлари ва экиш схемаларини танлаш тамойиллари яратилган. Хусусан, эртаги, ўртаги ва кечки муддатда қовун етиштириш учун навлар танланган, ушбу муддатлар учун мақбул экиш схемалари ва уруғларни ундириш усуллари ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Бироқ, ўрганилган навлар ва агротехника элементларининг барчаси маълум бир ҳудуд учун ишлаб чиқилган. Бугунги кунда полизчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг экспортбоп ассортиментини кенгайтириш, мамлакатимизнинг бой қовун генофондини келажак авлод учун сақлаб қолиш тақозо этилади. Шу муносабат билан ушбу диссертация тадқиқотига кўра, қовун генофондини ўрганиш, сақлаш, истиқболли навларини танлаш ва етиштиришнинг айрим элементларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар ушбу полиз экини генофондини сақлаш ва экспортбоп қовун етиштиришда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Урганч давлат университети «Қовунчилик» бўлими ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-123 «Қовуннинг маҳаллий нав намуналарини ўрганиш, генофондини сақлаш ва экспортбоп, серҳосил навларини ажратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қовуннинг қадимий, маҳаллий нав намуналарини қайта тиклаш, генофондини сақлаш, истиқболли ва экспортбоп навларини танлаш ҳамда етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти шароитида қовун навлари генофондини ўрганиш асосида истиқболли экспортбоп навларни ажратиш;

ўртапишар ва кечпишар қовун навларини вилоят шароитида етиштиришда мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

қовун навларини етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга гидрогел препаратини қўллашнинг мақбул меъёрини аниқлаш;

қовун истиқболли экспортбоп навлари ва қовун навларини етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга гидрогел препаратини қўллашнинг мақбул меъёрини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятининг алюювиал ўтлоқи тупроқлари, қовунни 125 та та нав намуналари ўсимликлари, гидрогел препарати олинган.

Тадқиқотнинг предмети қовун нав намуналарининг тезпишарлиги, касалликка чидамлилиги, ҳосилдорлиги ва экспортбоплиги, экиш муддатлари, минерал ўғитлар билан бирга гидрогел препаратини қўллаш меъёрларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қовун нав намуналарини ўрганиш ва мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган ва тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғида Б.А.Доспехов тавсия этган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилояти шароитида қовуннинг қадимий маҳаллий нав намуналари коллекциясини ўрганиш асосида қадимий навлар қайта тикланган ва 125 та нав намунанинг унувчанлиги юқори бўлган уруғлари 600 граммдан 1045 граммгача бўлган миқдорда генофондга сақлаш учун аниқланган;

қовун нав намуналари орасида Заргулоби, Оқ новвот ва Қариқиз навларининг кенг тарқалган ун шудринг касаллигига чидамли, товарбоп

сифатлари ва ҳосилдорлиги юқорилиги (мос ҳолда 35,7; 34,7 ва 35,3 т/га) ҳамда экспортбоп навлар сифатида танланган;

қовуннинг истиқболли эртапишар навларини етиштиришда апрель ойининг иккинчи ўн кунлиги, ўртапишар – май ойининг биринчи ўн кунлиги ва кечпишар навларини май ойининг учинчи ўн кунлигида экишнинг мақбуллиги исботланган, бунда ҳосилдорлик 34,7-35,7 т/га гача етиши илмий асосланган;

суғорилмайдиган шароитларда қовун етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга гидрогель полимерини гектарига 12 кг меъёрида қўллаш натижасида ҳосилдорликни 21% гача ошганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм воҳасида қовунни 125 та навлари ичидан Замча гурвак, Замча, Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби, Нон гўшт, Оқ босволди, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахаққа, Олахаққа (қизил этли), Нон гўшт Хоразм, Қўлэзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиқсиз), Шерози қовун, Хитойи (қизил этли), Хитойи II форма (қизил этли), Жийда япроқ, Жийда япроқ II форма, Жийда япроқ III форма, Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, қизил ва кўк этли Ширин печак, Эртапишар ёз бешак ва Жийда гули каби эртапишар (65-99 кун) навлар ажратилган;

қовун коллекцияси навлари мевасининг вазнига кўра кичик (1,7-3,5 кг гача) ва йирик (8,5-10,8 кг гача) мевали гуруҳларга ажратилган, жумладан, *кичик мевалилар*: Замча гурвак, Замча, Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Бешак ёз бешак, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Бешак VIII форма, Бешак, Нон гўшт Хоразм, Қўлэзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Хитойи II форма, Жийда япроқ, Жийда япроқ II форма, Жийда япроқ III форма, Эрмак каун Хоразм, Оқ сут ва Эртапишар ёз бешак; *йирик мевалилар*: Бешак IVa форма, Қизил кўтир бош, Бешак, Наврўзбой, Кўк гулоби (серҳосил)-95, Кўк гулоби (серҳосил)-96, Кўк гулоби, Қари киз ва Шойи қовун-107Б;

қовунни 125 та навлари ичидан энг ширин таъмли қовунлар гуруҳи шакллантирилган: Оқ босволди, Хон қизи, Урганч, Олла ҳамма, Оқ сут, Кўтир бешак, Бижир, Олмурта гулоби, Ола бўрикалла, Кўк гулоби, Заргулоби, Бешак 5 ва 9-формалари, Тўёна, Нон гўшт Хоразм, Ёз бешак, Оқ қош бешак;

қовун генофондини қайта тиклаш учун 125 та нав намуналарининг сараланган, унувчанлиги юқори бўлган уруғлари (600 г дан 1045 г гача) генофондга топширилган;

қовунни юқори ҳосилли, касалликларга чидамли ва экспортбоп Нон гўшт Хоразм нави (27,1 т/га) ва Л-Ойбек линияси (41,5 т/га) ажратиб олинган, уларнинг иқтисодий самарадорлиги гектарига мос ҳолда 34033 минг ва 62679 минг сўмни ташкил этган;

мевасининг вазни, шакли, ранги, дегустация баҳоси, биокимёвий таркиби бўйича ўрганилган навлардан устун, шунингдек юқори ҳосилли

Л-Ойбек линияси 2020 йилда «Гандимён» номи билан Интеллектуал мулк агентлигига топширилган (NAP 2020 0068);

эртапишар Гурвак навини 1 майда экилганда назоратдан 13 фоизга (28,2 т/га) ва 15 апрелда экилган вариантда эса 10 фоизга (27,5 т/га) кўп ҳосил бериши аниқланган, рентабеллик 189,9 % ни ташкил қилган;

ўртапишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 20 майда экилган вариантларда кузатилиши аниқланган, жумладан Заргулоби нави 35,7 т/га, Оқ новвот – 34,7 т/га ва Қари қиз – 35,3 т/га, ушбу вариантларда ҳосилдорлик назоратга нисбатан мос ҳолда 9-11 % га кўп бўлган, рентабеллик 137,9 % ни ташкил қилган;

кечпишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 5 июнда экилган вариантларда бўлиши аниқланган, жумладан Амударё нави (34,4 т/га) назорат вариантдан 14 % га, Саховат нави (35,4 т/га) 14 % га ва Гулоби Хоразмий нави (35,8 т/га) 15 % га юқори ҳосил берган, рентабеллик 137,9 % дан юқори бўлган;

қовун уруғларини экишда минерал ўғит билан бирга гидрогел препаратини гектарига 12 кг қўлланган вариантда уруғлар униб чиқиши 2-3 кунга, оталик ва оналик гулларни гуллаши 4-5 кунга ва меваларнинг пишиши 9-10 кунга тезлашиши, шунингдек мевасининг ўртача вазни Заргулоби навида 2,6 кг, Оқ новвот навида 2,1 кг, Қари қиз навида 3,7 кг гача етиши аниқланган;

минерал ўғитлар билан бирга гидрогел препарати гектарига 12 кг меъёрида қўлланилганда ҳосилдорлик Заргулоби навида 13 % га (20,2 т/га), Оқ новвот навида 21 % га (20,8 т/га), Қари қиз навида 9 % га (30,3 т/га) ортиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда олиб борилган тажрибаларда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, натижаларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, ҳисоботлар Урганч давлат университети ва СПЭКИТИ илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қовуннинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари ер устки қисми, мева пўсти қалинлигининг нав гуруҳига корреляцион боғлиги аниқланганлиги, эртапишар, ўртапишар ва кечпишар қовун навларининг мақбул экиш муддатлари ҳамда минерал ўғит билан бирга гидрогель препаратини қўллашнинг мақбул меъёри илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қовун коллекциясидан касалликларга чидамли, серҳосил ва ширин таъмли 17 нав намуналари ажратилганлиги, генофондни қайта тиклаш учун қовунни 125 та нав намуналарининг сифатли уруғлари топширилганлиги, танлов услубида қовунни Л-Ойбек линияси ажратиб олинганлиги ва «Гандимён» номи билан Давлат реестри ҳамда Интеллектуал мулк агентлигига

топширилганлиги, нав гуруҳлари учун мақбул экиш муддатлари белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида қовун генофондини сақлаш, экспортбоп навларни ажратиш ҳамда етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида:

сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликлари учун «Қовун навларини етиштириш технологиясига оид тавсиялар» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30 апрель 2021 йилдаги 02/029-1878-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер ва аҳоли томорқа хўжаликларида қовундан юқори ҳосил олишда амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

қовун генофондини қайта тиклаш ишланмаси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм илмий тажриба станциясида 32 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30 апрель 2021 йилдаги 02/029-1878-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўрганилган 125 та нав намунасининг генофонд учун уруғи олинган ҳамда юқори ҳосилдор, ун шудринг касаллигига чидамли, экспортбоп Тарнак, Хандалак, Гурвак, Кўк мағиз, Нон гўшт, Жийда гули Заргулоби, Оқ-новвот, Қари қиз, Амударё, Саҳоват, Гулобий Хоразмий навлари ва Гандимён (Л-Ойбек) линияси ажратилган. Ўрганилган навларнинг рентабеллиги эртапишар навларда 131,7%, ўртапишар – 133,0% ва кечпишар навларда 129,2% ни ташкил этган;

экиш муддатларининг қовун навлари ҳосилдорлигига таъсири ишланмаси Хоразм вилояти Хива туманидаги «Ахмаджон Матяқубов» фермер хўжалигида 10 гектар, «Даврон» фермер хўжалигида 10 гектар, «Хива Хурмат» фермер хўжалигида 10 гектар, жами 30 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 30 апрель 2021 йилдаги 02/029-1878-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида эртапишар қовун навларини май ойининг биринчи ўн кунлигида экилганда 9090,0-18340,0 минг сўм/га, ўртапишар навларни май ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганда 19360,0-20285,0 минг сўм/га, кечпишар навларни июн ойининг биринчи ўн кунлигида экилганда 17100,0-18447,0 минг сўм/га соф даромад олинган. Рентабеллик мос ҳолда 102,0-189,9; 132,2-137,9 ва 124,6-125,3% ни ташкил этган;

қовуннинг тезпишар, серҳосил, Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос «Гандимиён» нави яратилган ва Интеллектуал мулк агентлигига топширилган (Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йилдаги НАР 2020 0068-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида дастлабки нав синовидида ушбу нав юқори, яъни гектаридан 42,4 тонна ҳосил берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Урганч давлат университети апробация

комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган, тадқиқот натижалари ҳар йили университетнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган ва 4 та республика ва 3 та халқаро миқёсдаги ўтказилган жами 7 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 та хорижий журналларда, шунингдек 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қовун (*Cucumis melo*) ўсимлигининг хўжалик-биологик хусусиятлари ва етиштириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари** (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Жумладан, «Қовун ўсимлигининг ботаник таърифи, классификацияси, нав намуналарининг жаҳон генофонди ва аҳамияти»; «Қовун навларининг чидамлилиги, уруғларининг унувчанлиги ва уни ошириш усуллари»; «Ҳар хил экиш муддатларида қовун навларининг сифати ва ҳосилдорлиги»; «Қовун навларининг ўсиши ва ҳосилдорлигини оширишда озиклантириш усуллари, меъёрлари ва ўсишни бошқарувчи моддаларнинг аҳамияти» йўналишларида адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва дастури**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан тажрибалар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари» бўлимида тадқиқот ўтказилган тажриба майдонининг тупроқ ва иқлим тавсифи келтирилган. «Тадқиқот дастури» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, воҳа тупроқларида тажрибаларини олиб бориш

тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Қовун генофонди жаҳон коллекциясини тадқиқ қилиш асосида истиқболли, экспортбоп навларни ажратиш**» деб номланган учинчи бобида қовун коллекциясини ўрганиш, генофондини сақлаш ва экспортбоп қовун навларини ажратиш мақсадида Хоразм воҳасининг маҳаллий 125 та қовун нав намуналари ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан ушбу бобнинг «Қовун коллекцияси ўсимликларининг морфологик ва биологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида коллекцион навлар ер устки қисмининг морфологик фарқланиши ўрганилган.

Хоразм воҳасида ўрганилган 125 та нав намуналаридан ўсимликни оналик гулларини эртароқ гуллаши (32-40 кун) ҳамда эртапишарлиги (65-99 кун) билан Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Нон гўшт (тиғизли мағз), Оқ босволди, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахаққа, Олахаққа (қизил мағз), Нон гўшт Хоразм, Қўлёзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиқсиз), Шерози қовун (қизил мағиз), Хитойи (қизил мағиз), Хтои II форма (қизил мағз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, Ширин печак (қизил м), Ширин пичек (кўк мағз), Эртапишар ёз бешак ва Жида гули навлари ажралиб чиқган.

Тажрибада қовун коллекцияси навлари мевасининг ўртача оғирлигига кўра кичик (1,7-3,5 кг гача) ва йирик (8,5-10,8 кг гача) мевали гуруҳларга ажратилди, жумладан, кичик мевалилар: Замча гурвак, Замча, Тўқ сариқ Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Бешак ёз бешак, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Бешак VIII форма, Бешак, Нон гўшт Хоразм, Қўлёзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Хтои II форма, Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма, Эрмак каун Хоразм, Оқ сут ва Эртапишар ёз бешак; йирик мевалилар: Бешак IVа форма, Қизил кўтир бош, Бешак, Наврўзбой, Кўк гулоби (серҳосил)-95, Кўк гулоби (серҳосил)-96, Кўк гулоби, Қари киз ва Шойи қовун-107Б.

Ўрганилган 125 та навлари ичидан энг ширин таъмли қовунлар гуруҳи шакллантирилган: Оқ босволди, Хон қизи, Урганч, Олла хамма, Оқ сут, Кўтир бешак, Бижир, Олмурта гулоби, Ола бўрикалла, Кўк гулоби, Заргулоби, Бешак 5 ва 9-формалари, Тўёна, Нон гўшт Хоразм, Ёз бешак, Оқ қош бешак.


Қовун генофондини қайта тиклаш учун 125 та нав намуналарининг сараланган, унувчанлиги юқори бўлган уруғлари (600 г дан 1045 г гача) генофондга топширилган.

Энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган навлар сифатида ўртапишар Хон қизи, Нон гўшт Хоразм навлари, кечпишар Бижир, Бешак 9, Бешак 5 формалари, Қари Қиз навлари ва Л-Ойбек линияси алоҳида ўрганиш учун ажратиб олинган.

Ушбу бобнинг «Коллекциядан ажратилган истиболли намуналарнинг танлов синови ва уларнинг касалликларга чидамлилиги» деб номланган бўлимида 125 та қовун навлари орасидан ажратиб олинган экспортбоп, юқори сифатли ўртапишар Хон қизи, Нон гўшт Хоразм навлари (назорат – Кўк гулоби нави), кечпишар Бижир, Бешак 9, Бешак 5 формалари, Қари Қиз навлари ва Л-Ойбек линияси (назорат – Тўёна нави) қиёсий ўрганилган. Кузатувларнинг кўрсатишича, ун шудринг касаллигига чидамлилиги билан Л-Ойбек линияси алоҳида ажралиб турган. Дегустацион баҳоси бўйича юқорилиги (9,8 балл) билан Хон қизи, Бижир навлари ва Л-Ойбек линияси ажралиб турган.

Ушбу бобнинг «Қовун коллекцияси ўсимликларининг ҳосилдорлик ва товарбоплик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида ўртапишар Хон қизи, Нон гўшт Хоразм навлари (назорат – Кўк гулоби нави), кечпишар Бижир, Бешак 9, Бешак 5 формалари, Қари Қиз навлари ва Л-Ойбек линиясининг (назорат – Тўёна нави) ҳосилдорлик ва товарбоплик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўртапишар қовун навлари ичида Нон гўшт Хоразм нави (27,1 т/га) стандарт Кўк гулоби навидан 5,0 т/га юқори ҳосил берганлиги аниқланди. Кечпишар навларда эса Л-Ойбек линияси энг юқори – 45,2 т/га ҳосилдорлиги билан ажралиб турди ва 2-стандарт Тўёна (44,4 т/га) навидан 0,8 т/га га юқори бўлди. Қолган навларнинг ҳосилдорлиги стандарт навдан паст, яъни 29,4-32,8 т/га умумий ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга бўлди (1-расм).



1-расм. Танлов нав синовида ўрганилган қовун навларининг ҳосилдорлиги ва ҳосилининг сифат кўрсаткичлари (2019-2020 йй.)

Экиш муддатларининг қовунни эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсири (2018-2020 йй.)

Навлар	Экиш муддатлари	Меваининг ўртача		Ҳосилдорлик		
		сони, дона	вазни, кг	т/га	назоратга нисбатан, %	товарбоп ҳосил, %
Тарнак (эртапишар)	15 апрел	4	2,0	17,2	107	96
	20 апрел (наз.)	4	2,3	16,0	100	94
	25 апрел	4	2,2	17,5	109	97
	1 май	5	2,4	18,1	113	97
Хандалак (эртапишар)	15 апрел	5	1,0	17,0	92	98
	20 апрел (наз.)	4	1,2	18,4	100	97
	25 апрел	4	1,2	16,6	90	98
	1 май	5	1,4	18,7	101	97
Гурвак (эртапишар)	15 апрел	5	2,3	27,5	110	95
	20 апрел (наз.)	4	2,3	25,0	100	96
	25 апрел	4	2,6	26,0	104	98
	1 май	5	2,5	28,2	113	98
Заргулоби (ўртапишар)	5 май	4	3,5	33,0	92	94
	10 май	4	3,6	34,4	105	91
	15 май (наз.)	5	3,4	32,6	100	90
	20 май	5	4,0	35,7	109	95
Оқ новвот (ўртапишар)	5 май	3	4,2	32,2	103	97
	10 май	4	3,8	33,5	108	96
	15 май (наз.)	4	3,6	31,0	100	90
	20 май	5	4,2	34,7	111	92
Қари киз (ўртапишар)	5 май	3	4,5	33,3	103	96
	10 май	4	3,9	34,1	106	91
	15 май (наз.)	4	4,5	32,2	100	89
	20 май	5	4,0	35,3	110	96
Амударё (кечпишар)	20 май	4	5,2	31,8	105	87
	25 май (наз.)	4	5,5	30,1	100	89
	1 июн	4	6,6	32,3	107	90
	5 июн	4	6,2	34,4	114	90
Саховат (кечпишар)	20 май	4	6,2	32,0	103	91
	25 май (наз.)	4	7,0	31,0	100	87
	1 июн	5	6,6	33,6	108	88
	5 июн	4	6,2	35,4	114	90
Гуллоби Хоразмий (кечпишар)	20 май	4	6,3	33,7	108	89
	25 май (наз.)	5	6,4	31,1	100	90
	1 июн	4	7,0	34,0	109	95
	5 июн	4	7,2	35,8	115	91

Диссертациянинг «Эртапишар, ўртапишар ва кечпишар қовун навларининг мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи бобида тезпишарлиги турлича бўлган қовун навлари гуруҳлари учун Хоразим воҳаси шароитида мақбул экиш муддатини белгилаш бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари

келтирилган. Жумладан ушбу бобнинг «Қовуннинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларини етиштиришнинг мақбул экиш муддатларини аниқлаш» деб номланган бўлимида ҳар хил муддатларда экилган эртапишар, ўртапишар ва кечпишар қовун навларининг ун шудринг касаллигига чидамлилиги, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифати қиёсий ўрганилган (1-жадвал).

Эртапишар навларни 25 апрел ва 1 майда, ўртапишар навларни 20 майда ва кечпишар навларни июн ойининг бошида (1-5 июн) экишда ўсимликлар юқоридаги параметрлар бўйича энг юқори қийматга эга бўлган. Жумладан, эртапишар Гурвак навини 1 майда экилганда назоратдан 13 фоизга (28,2 т/га) ва 15 апрелда экилган вариантда эса 10 фоизга (27,5 т/га) кўп ҳосил бериши аниқланган, рентабеллик 189,9 % ни ташкил қилган. Ўртапишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 20 майда экилган вариантда кузатилиши аниқланган, жумладан Заргулоби нави 35,7 т/га, Оқ новвот – 34,7 т/га ва Қари қиз – 35,3 т/га, ушбу вариантларда ҳосилдорлик назоратга нисбатан мос ҳолда 9-11 % га кўп бўлган, рентабеллик 137,9 % ни ташкил қилган. Кечпишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 5 июнда экилган вариантларда бўлиши аниқланган, жумладан Амударё нави (34,4 т/га) назорат вариантдан 14 % га, Саховат нави (35,4 т/га) 14 % га ва Гулоби Хоразмий нави (35,8 т/га) 15 % га юқори ҳосил берган, рентабеллик 137,9 % дан юқори бўлган.


Ушбу бобнинг «Ҳар хил муддатларда қовуннинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларини етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган бўлимида қовун навларини ҳар хил муддатда экишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, эртапишар Гурвак нави 1 майда экилган вариантда энг юқори соф даромад 18540,0 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси 189,9 фоизни, ўртапишар Қари қиз ва кечпишар Саховат навларида мос ҳолда 20585 минг сўм/га, 137,9 фоиз; 20685 минг сўм/га ва 137,9 фоизни ташкил этган.

Диссертациянинг **«Қовун навларини ўсиши ва ривожланишига турли озиқлантириш усуллариининг таъсири»** деб номланган бешинчи бобида Оқ новвот, Қари қиз, Заргулоби навларини ўсиб ривожланишига минерал ўғитлар билан бирга гидрогель полимерини қўллаш меъёрининг таъсирини ўрганиш юзасидан амалга оширилган тажриба натижалари келтирилган. Жумладан ушбу бобнинг «Турли озиқлантириш усуллариини қовуннинг ўртапишар навлари ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган бўлимида қовунни ўртапишар Оқ новвот, Қари қиз, Заргулоби навларини ўсиб ривожланишига минерал ўғитлар билан бирга гидрогель полимерини таъсири ўрганилган. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, минерал ўғитлар билан бирга гидрогель полимерини гектарига 12 кг қўллаш ўсимликларнинг ривожланишини яхшилаган, уларнинг ун шудринг касаллигига чидамлилигини оширган (2-жадвал).

Қовунни ўртапишар навларини ер устки қисмини ўсиб ривожланишига турли хил тупроқ аралашмаларнинг таъсири (2018-2020 йй.)

Навлар	Аралашмалар	Асосий поя узудлиги, см	Ён шохлари сони, дона	Ён шохлари узудлиги, см	Ун шудринг билан касалланиши, %
Заргулоби	Ўғитсиз - назорат	131	3,0	418	5,0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-6 кг/га	150	3,2	467	0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-12 кг/га	163	3,4	575	0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ + Гидрогель-18 кг/га	145	3,1	510	2,5
Оқ новвот	Ўғитсиз - назорат	142	3,5	551	2,5
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-6 кг/га	165	3,7	668	0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-12 кг/га	171	3,7	739	0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ + Гидрогель-18 кг/га	160	3,6	611	5,0
Қари қиз	Ўғитсиз - назорат	139	3,6	493	15,0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-6 кг/га	156	3,7	603	2,5
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ +Гидрогель-12 кг/га	162	3,8	708	0
	N ₂₂₀ P ₁₅₀ K ₆₀ + Гидрогель-18 кг/га	145	3,6	540	2,5

Минерал ўғитлар билан бирга гидрогел препаратини гектарига 12 кг қўлланган вариантларда ҳосилдорлик ва товар ҳосил улуши ҳам энг юқори кўрсаткичларда бўлган. Жумладан, Заргулоби навида (20,2 т/га) 13 фоизга, Оқ новвот навида (20,8 т/га) 21 фоизга ва Қари қиз навида (30,3 т/га) 9 фоизга назорат вариантдан юқори товарбop ҳосил тўпланган (2-расм).



2-расм. Қовунни ҳосилдорлик кўрсаткичларига турли хилдаги тупроқ аралашмаларини таъсири (2018-2020 йй.)

Ушбу бобнинг «Ҳар хил озиклантириш усулларида қовуннинг ўртапишар навларини етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган бўлимида қовун етиштиришда турли тупроқ аралашмаларидан фойдаланишнинг иқтисодий мақбуллиги таҳлил қилинган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, қовун уруғини экишда минерал ўғитлар билан бирга гидрогель моддасини тупроққа аралаштириб экилганда, ишлаб чиқаришдан олинган фойда Заргулоби навида гектаридан 2211,5 минг сўм, Оқ новвот навида 3323,0 минг сўм ва Қари қиз навида эса 2294,1 минг сўмни ташкил этиб, ушбу полимер моддани қовун етиштиришда тупроқ аралашмаси сифатида қўллаш юқори иқтисодий самара берганлиги аниқланган. Тажрибада рентабеллик даражаси Заргулоби навида 108,9-132,0 %, Оқ новвот навида 102,2-136,8 ва Қари қиз навида эса 200,2-220,1 % ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Хоразм воҳасида ўрганилган 125 та нав намуналаридан ўсимликни оналик гулларини эртароқ гуллаши (32-40 кун) ҳамда эртапишарлиги (65-99 кун) билан Замча гурвак, Замча (катта хомлали), Тўқ сарик Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Заргулоби, Наврўзбой, Олмурт гулоби (кичик), Нон гўшт (тиғизли мағз), Оқ босволди, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Олахаққа, Олахаққа (қизил мағиз), Нон гўшт Хоразм, Қўлөзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Барги (чизиқсиз), Шерози қовун (қизил мағиз), Хитойи (қизил мағиз), Хтои II форма (қизил мағиз), Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма (мазали), Эрмак каун Хоразмск, Оқ сут, Ширин печак (қизил мағиз), Ширин пичек (кўк мағиз), Эртапишар ёз бешак ва Жида гули навлари ажралиб чиқди.

2. Қовун коллекцияси навлари мевасининг ўртача оғирлигига кўра кичик (1,7-3,5 кг гача) ва йирик (8,5-10,8 кг гача) мевали гуруҳларга ажратилди, жумладан, кичик мевалилар: Замча гурвак, Замча, Тўқ сарик Хандалак, Хандалак, Оқ каллапош, Бешак ёз бешак, Ола бўрикалла, Чизиқли тарнак, Тарнак, Хон қизи, Оқ гурвак, Тарвуз гурвак, Ола гурвак, Ола гурвак кўк мағиз, Бешак VIII форма, Бешак, Нон гўшт Хоразм, Қўлөзи Гурвак, Қизил уруғ оқ мағиз, Хтои II форма, Жида япроқ, Жида япроқ II форма, Жида япроқ III форма, Эрмак каун Хоразм, Оқ сут ва Эртапишар ёз бешак; йирик мевалилар: Бешак IVa форма, Қизил қўтир бош, Бешак, Наврўзбой, Кўк гулоби (серҳосил)-95, Кўк гулоби (серҳосил)-96, Кўк гулоби, Қари қиз ва Шойи қовун-107Б.

3. Қовунни барча нав намуналарининг сараланган, унувчанлиги юқори бўлган уруғлари 600 граммдан 1045 граммгача бўлган миқдорда генофондга сақлаш учун топширилди.

4. Қовунни 125 та та навлари ичидан Оқ босволди, Хон қизи, Урганч, Олла ҳамма (эти қизил), Оқ сут, Кўтир бешак, Бижир, Олмурта гулоби, Ола бўрикалла, Кўк гулоби, Заргулоби, Бешак 5 ва 9-формалари, Тўёна, Нон гўшт Хоразм, Ёш бешак, Оқ қош бешак, навлари серҳосиллиги, ширин таъми билан ажралиб чиқди.

5. Товарбоп ҳосил миқдори ўртапишар Нон гўшт Хоразм навида стандартга нисбатан 21,5 % юқори (27,1 т/га) бўлди. Кечпишар Л-Ойбек линияси эса стандартга нисбатан 5,0 % юқори ҳосил берганлиги (41,5 т/га) аниқланди.

6. Танлов синовида қовунни юқори ҳосилли, касалликларга чидамли ва экспортбоп Нон гўшт Хоразм нави ва Л-Ойбек линияси ажралиб чиқди.

7. Нон гушт Хоразм навини етиштиришдан олинадиган соф даромад гектаридан 34033 минг сўм ва Л-Ойбек линиясида 62679 минг сўмни ташкил этади.

8. Танлов синовида мевасининг ўртача оғирлиги, шакли, ранги, дегустацион баҳоси, таркиби бўйича яхши бўлган, ун шудринг касаллигига чидамли ва ҳосилдорлиги юқорилиги билан ажралиб турган Л-Ойбек линияси 2020 йилда «Гандимён» номи билан Интеллектуал мулк агентлигига топширилди (NAP 2020 0068).

9. Эртапишар Гурвак навини 1 майда экилганда назоратдан 13 фоизга (28,2 т/га) ва 15 апрелда экилган вариантда эса 10 фоизга (27,5 т/га) кўп ҳосил олинишини таъминлайди.

10. Ўртапишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 20 майда экилган вариантларда кузатилди, жумладан Заргулоби навида 35,7 т/га, Ак новвот - 34,7 т/га ва Қари қиз – 35,3 т/га, бунда назоратга нисбатан олинган қўшимча ҳосил мос ҳолда 9-11 т/га ни ташкил этди.

11. Кечпишар навларда энг юқори товарбоп ҳосил 5 июнда экилган вариантларда қайд этилди, жумладан Амударё навида (34,4 т/га) назорат вариантдан 14 фоизга, Саховат нави (35,4 т/га) 14 фоизга ва Гулоби Хоразмий нави (35,8 т/га) 15 фоизга кўплиги аниқланди.

12. Минерал ўғитлар билан бирга гидрогелни гектарига 12 кг қўлланган вариантида қовун уруғларини назоратга нисбатан эрта униб чиқиши (2-3 кун), оталик ва оналик гулларни эрта гуллаши (4-5 кун) ва меваларнинг эрта пишиб (9-10 кун) етилиши меванинг ўртача вазни Заргулоби навида 2,6 кг, Оқ новвот навида 2,1 кг, Қари қиз навида 3,7 кг гача етиши таъминланди.

13. Хоразм воҳаси полизчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига қовундан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун:

эртапишар Гурвак, ўртапишар Заргулоби ва Кечпишар Л-Ойбек линиясини экиш;

эртапишар навларни 25 апрелдан 1 майгача, ўртапишар навларни 20 майда ва кечпишар навларни 5 июнда экиш;

қовун етиштиришда минерал ўғитлар билан бирга гидрогель препаратидан гектарига 12 кг меъёрида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА
УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

САДУЛЛАЕВ САНЖАРБЕК МАДИЯРОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ
ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ, ВЫДЕЛЕНИЕ
ЭКСПОРТОСПОСОБНЫХ СОРТОВ И СОХРАНЕНИЕ
ГЕНОФОНДА ДЫНИ (В УСЛОВИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Qx263

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации написан на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.psuyaiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uzh.)

Научный руководитель:

Низомов Рустам Ахролович,

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Остонакулов Тоштемир Эшимович,

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Рустамов Абдумалик Саттарович

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Термезский институт агротехнологии и инновационного развития

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx/B.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: pimm@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № _____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2022 года.)

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Научный секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «В мире, в настоящее время обеспечение населения здоровым питанием является актуальным вопросом. Особенно в условиях сегодняшней глобальной пандемии растет спрос на богатые витаминами и минералами, питательные, экологически чистые продукты. При этом продукты бахчевых культур занимает особое место, и годовая по медицинской норме потребления бахчевых на человека должно быть не менее 98 кг. Дыня является ведущей культурой среди бахчевых и поэтому она выращивается в большом масштабе (774,8 тыс. га) во многих странах мира»³. Создание ультра скороспелых, новых сортов дыни, отличающихся высокой лежкостью, мелким объемом плодов, высокой урожайностью и высоким содержанием углеводов для выращивания в различных сроках, а также увеличение урожайности с единицы площади на основе усовершенствования технологических элементов выращивания является актуальным вопросом.

В ведущих странах мира по выращиванию дыни ведутся ряд научных исследования по выведению новых сортов дыни, приспособленных к выращиванию в различные сроки, особенно в ранние сроки в защищенных местах, а также по совершенствованию технологических элементов выращивания. В отдельных странах созданы технологии выращивания дыни в теплицах в зимние периоды и сорта дыни для тепличных условий, выращены экспортоспособные, а также ультраскороспелые сорта дыни. Обогащение генофонда дыни, увеличение её экспортного потенциала на основе расширения сортимента экспортных сортов является одной из актуальных задач.

В нашей стране особое внимание уделяется дальнейшему развитию бахчеводческой отрасли, в частности увеличению объема выращивания экспортоспособных дынь. В ходе визита Президента Республики Узбекистан в Хорезмскую область 29-30 ноября 2018 года создание бахчевых хозяйств в Хорезмской области, особо намечены «Сотрудничество с научно-исследовательскими учреждениями, выращивание дынь в открытых площадях и теплицах на основе инновационных технологий, комплексное развитие переработки дыни, дальнейшее развитие экспортного потенциала отрасли». По этому изучение богатой коллекции дыни на почвенно-климатических условиях области, обогащение её генофонда, подбор перспективных и экспортно-ориентированных сортов из них, совершенствование сортовых агротехнологий имеет важное значение.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач поставленных в указах Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года за №УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощного производства в Республике Узбекистан», от 23 октября 2019 года за №УП-5853 «Об утверждении

¹<https://www.atlasbig.com/ru/страницы-по-производству-дыни>

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 февраля 2019 года № 114 «О мерах по дальнейшему увеличению объемов производства бахчевых культур в Хорезмской области»

стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы», от 23 ноября 2021 года за №ПП-20 «О мерах по развитию семейного предпринимательства в плодоовощеводстве и виноградарстве, увеличению доли дехканских хозяйств в сельскохозяйственном производстве», Постановлениях Кабинета Министров от 12 февраля 2019 года за №114 «О мерах по дальнейшему увеличению объемов выращивания дыни в Хорезмской области», а также определённых другими нормативно-правовыми актами, касающимися данной деятельности.

